

МАРТ
ОЙ МАВЗУСИ: “ГЎЗАЛ БАҲОР”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Онажонлар куни						
Муддати	Март ойининг 1-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Юриш, сакраш, югуришда тезликни ошириш, мувозанатни сақлаш, ўз жойида икки оёқда сакраш, спорт нарвони бўйлаб юқорига ва пастга ҳаракатлана олиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Биринчи шахсда гапириш, яқин инсонларига мурожаат қилиш ва улардан ёрдам сўраш малакаларини шакллантириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Баъзи ҳаракатларни сўзлар билан биргаликда ифодалаш, таниш асарлардан парча эшитиб унинг номини айта олиш, бошланган ҳикояни давом эттириш малакаларини шакллантириш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Олтита рангни бир-биридан фарқлаш, куннинг турли даврлари: тонг, кундуз, оқшом, тунни фарқлаш					
	Ижодий ривожланиш	Баъзи мусиқа асбобларининг садосини ажрата олиш, мусиқа оҳангига мос равишда рақсга туша олиш, сюжетга оид расм, персонажлар ва предметлар тасвирини чизиш малакаларини янада ривожлантириш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, яшаш ва математика	Геометрик фигуралар. Фазода мўлжал олиш. 5 гача санаш			Онам учун мебель		Геометрик шакл, рақамли карточка, лего, кубиклар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Менинг оилам					Ўйинчоқ, қўғирчоқ, мебель, идиш-товоқлар
	Тил ва нутқ	“Баҳор келди” сюжетли расми асосида ҳикоя тузиш			Л. Касимованинг “Она ҳақида” ҳикоясини тинглаш		АКТ, сюжетли расмлар
	Фан ва табиат	Томчининг саёҳати					Сув, сув учун идиш, тош, рангли қоғозлар
	Санъат	Лой иши: Онажоним учун юракчалар		Аппликация: Онам учун ёзув китобчаси		Расм: Чиройли салфеткалар	Намуна, канцелярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

МАРТ. БИРИНЧИ ҲАФТА **ОНАЖОНЛАР КУНИ**

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Геометрик шакллар. Фазода мўлжал олиш. 5 гача санаш.

Мақсад: болалар геометрик шаклларнинг номлари: айлана, квадрат, тўғри тўртбурчак, овал, учбурчакни биладилар, чап, ўнг, олдинга, орқада йўналишларида мўлжал оладилар, оғзаки 5 гача санайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: геометрик шакллар: учбурчак, айлана, тўғри тўртбурчак, овал, квадрат, таркатма материал, сонли карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Геометрик шакллар ҳақида топишмоқлар.
2. Диққатга оид таълимий ўйин: ўнг қўл билан бурунга тегиш, чап қўл билан чап кулоқни ушлаш, ўнг (чап) оёқ билан топиллатиш, қўлларни (аввал ўнг, сўнг чап қўлни тепага қўтариш
3. Таркатма материал билан ишлаш.
4. 5 сонини намойиш этган ҳолда 5 сонигача оғзаки санаш.

Қўшимча: турли йўналишларда мустақил ҳаракатланиш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳаракатларни аниқ бажариш.

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Яшаш: Онам учун мебель

Мақсад: болалар атрофда ўраб турган предметлар ҳақида тасаввурга эга бўладилар, уларнинг қўлланилиши, ўзига хослигини биладилар, асосий қисмларини ажратадилар, конструктор деталларини номлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш тўплами, конструктор

Фаолиятнинг бориши:

1. “Нима етишмаяпти?” таълимий ўйини.
2. Мебель намуналарини кўздан кечириш (кресло, диван), деталларни аниқлаш.
3. Мустақил иш.
4. Болаларни рағбатлантириш

Қўшимча: “Мебель дўконида” сюжетли-ролли ўйини

Эътиборга молик жиҳати: ҳаракатлар координациясини ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

“Менинг оилам” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар уй ишларини жамоавий тарзда юритиш, ўзаро оилавий муносабатлар, биргаликда ҳордиқ чиқаришга бўлган қизиқишни намоён этадилар, оила аъзоларига меҳрибонлик билан муносабатда бўладилар, уларнинг фаолиятларига қизиқишни намоён эта оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оила аъзоларининг турли юмушлар билан шуғулланаётганлиги тасвирланган расм, ўйинчоқ, қўғирчоқ, мебель, идиш-товоқ, анжомлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Оила ҳақида суҳбат.

2. Ихтиёрий тарзда ролларни тақсимлаш.
3. “Оила” мавзусига доир шеър ёдлаш.
4. Сюжет ўзгарганда қўмаклашиш.

Қўшимча: оилавий фотоальбомни кўздан кечириш.

Эътиборга молик жиҳати: ўйин давомида болаларнинг ўзаро муносабатларига эътиборни қаратиш.

Тил ва нутқ маркази

Расм асосида ҳикоя тузиш: Баҳор келди

Мақсад: болалар расм, намуна ва тарбиячи режаси асосида ҳикоя тузишни ўрганадилар, шеърнинг мазмунини тўғри тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Баҳор келди”, “Йил фасллари” расмлари, “Баҳор” аудио ёзуви.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар билан суҳбат:
 - Ҳозир қайси фасл?
 - Табиатда қандай ўзгаришлар содир бўлди?
 - Дарахтларда қандай ўзгаришларни кўряпсиз?
 - Кишилар томорқада нима иш қиладилар?
2. Тарбиячи томонидан режага мувофиқ ҳикоя тузиш.
3. 5- 6 нафар боланинг ҳикояларини тинглаш.
4. Материални мустаҳкамлашга доир саволлар:
 - Бугун қандай об-ҳаво?
 - Дарахтлар билан қандай ўзгаришлар содир бўлди?
 - Қандай қушлар учиб келишди?

Қўшимча: баҳор пейзажини кўздан кечириш. Баҳор ҳақидаги шеърларни ўқиш. Болаларнинг луғатини бойитиш.

Эътибор қаратиш керак: болаларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш.

Тил ва нутқ маркази

Асарни тинглаш: Л.Қосимова “Онажон ҳақида”

Мақсад: болалар онага меҳрли, эътиборли муносабатда бўлиш лозимлигини биладилар, унга қўмаклашишга интиладилар, асарни диққат билан тинглайдилар, уни ҳиссий жиҳатдан идрок этадилар, унга нисбатан ўз муносабатларини билдирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оналар тасвирланган портрет ва суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Она ҳақида суҳбат, суратларни кўздан кечириш.
2. Асарни тинглаш.
3. Асар мазмуни юзасидан суҳбат.

Қўшимча: болалар нутқида кичрайтириш, эркалаш сўзларини фаоллаштириш.

Эътиборга молик жиҳати: сўзларни аниқ қўллашга интилиш.

Фан ва табиат маркази

Томчивойнинг саёҳати

Мақсад: болалар сувнинг хоссаларини биладилар (рангсиз, хидсиз, тиниқ). Сув ҳақида табиий ҳодиса сифатида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сув, сув учун идишлар, тошлар, рангли қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Томчивой”нинг келиши. Унинг ҳикояси.
2. Болаларнинг сув ҳақидаги ҳикоялари.
3. “Томчивой” билан биргаликда бажариладиган ўйинлар (тажрибалар).

1-тажриба: Сувнинг тиниқлигини аниқлаш. Бир стаканга сув солиш, иккинчи бир стаканга сут солиш, ҳар иккала стаканга тош солиш. Кузатиш, кўрганларни изоҳлаш.

2-тажриба: Рангни аниқлаш. Сув солинган стакан олдига рангли қоғоздан ҳосил қилинган тасмаларни олиб келиш. Кўрганларни таҳлил қилиш.

3-тажриба: Таъмни аниқлаш. Сувни трубочка орқали таътиб кўриш. Хулосалаш

4-тажриба: Хидни аниқлаш Сувни ҳидлаб кўриш.

4. Сувнинг хусусиятларини умумлаштириш.

5. “Томчивой”га кўмак учун миннатдорчилик билдириш.

Қўшимча: “Сув қуйил” ҳажвий шеърларни ёдлаш. “Агар сув бўлмаганда эди” мавзусида суҳбат, топишмоқларни топиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг луғатини бойитиш, луғат бойлигини фаоллаштириш

Санъат маркази

Лой иши: Онажоним учун юракчалар

Мақсад: болалар турли усуллар билан юракчаларни ясай оладилар, хоҳишга кўра турли материаллар билан безатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, клеёнка, шакл, стек, салфетка, мунчок, бисер, намуналар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “8 март куни оналарга нима совға қиламиз?” мавзусида суҳбат.
2. Намуналарни кўздан кечириш. Юракчаларни яшашнинг турли усулларини намоиш этиш.
3. Юракчаларни яшаш, болаларнинг истагига кўра ижодий безатиш.
4. Ишларнинг кўргазмаси.

Қўшимча: декоратив амалий санъат буюмларини кўздан кечириш. Оналар ҳақида шеърларни ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: қўл бармоқларининг майда моторикасини ривожлантириш.

Санъат маркази

Аппликация: Онам учун ёзув китобчаси

Мақсад: болалар қоғознинг хусусиятлари ва сифатларини биладилар, қоғоз варағини ўртадан тахлашни ўзлаштирадилар, хоҳишга кўра безатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4 ҳажмли қоғоз варақлари, рангли қаламлар, фломастер, намуна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли ёзув китобчаларни кўздан кечириш.
2. Ишни бажариш кетма-кетлигини намоиш этиш.

3. Болалар томонидан ишнинг бажарилиши.

4. Хулосалаш.

Қўшимча: шаблонларни ва бажариш техникасини кўздан кечириш.

Эътиборга молик жиҳати: саришталик, тасаввур, фантазия ва майда моторикани ривожлантириш.

Санъат маркази

Декоратив расм чизиш: Чиройли салфеткалар

Мақсад: болалар турли геометрик шакллардан (квадрат, айлана) таниш элементларни ҳосил қила оладилар, рангларни танлайдилар, нақшларни қоғознинг марказида, атрофида жойлаштирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: 20х20 квадрат шаклидаги қоғоз варақлари, бўёқ, мўйқалам, тикилган кашта, тўқилган салфетка, фотосуратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Салфеткаларни кўздан кечириш.
2. Квадрат ичида нақшни ҳосил қилиш кетма-кетлигини намойиш қилиш.
3. Чизишга доир ишни бажариш.
4. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Қўшимча: луғат иши:тепага, пастга, ўнг, чап, ўрта, нуқта, гажак.

Эътиборга молик жиҳати: сарамжонлик, рангларни ўзаро мувофиқлаштириш.